

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**10-11-сон**  
**(146-147)**  
**2005 й.**  
**март**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

71. «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ–24-сон қарори
72. «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 мартдаги ПҚ–26-сон қарори
73. «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ–29-сон қарори

*Учинчи бўлим*

74. «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш

тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги 84-сон қарори

75. «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

76. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг қуввати 10 киловаттгача бўлган электр ускуналарини улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2005 йил 16 февралдаги 57-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1454-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
77. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 1/7-сонли қарори (янги таҳрирда). (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1455-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
78. «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2005 йил 7 февралдаги 45-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1383-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
79. «Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг 2005 йил 7 февралдаги 46-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1440-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
80. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 24, 2005-18-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1325-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
81. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 23, 2005-17-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1107-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

82. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 2 февралдаги 01/06-19/1, 30, 18-03-09/184, 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1456-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
83. «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 74-2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 622-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
84. «Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 299-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1457-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
85. «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 5 мартдаги 17, НН-01/10-783, 225-В-1, 2005-27, 01-02/20-4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1183-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
86. «Махсулотларни сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1458-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
87. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 13, 2005-11-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 18 мартда 1110-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 5 мартдан 18 мартгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **71 Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган 2005 йил ва узоқ муддатли истиқболда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялашнинг устувор мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини тайёрлаш ҳамда унинг аниқ йўналишларини амалда рўёбга чиқариш бўйича ишчи гуруҳларнинг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ\* маъқуллансин.

Ишчи гуруҳлар таркибига ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни модернизациялаш бўйича зарур имконияларга, тажриба ва таклифларга эга бўлган тегишли идораларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, ноҳукумат ва жамоат тузилмалари, халқаро институтлар, илмий ва консалтинг ташкилотларининг вакиллари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига амалдаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни танқидий таҳлил қилиш ҳамда қайта кўриб чиқиш, ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатнинг демократлаштириш йўлидан жадал характер қилиб бориши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлар амалга оширилишини тизимли асосда ва босқичма-босқич таъминлайдиган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳаларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

Ишчи гуруҳлар 2005 йилнинг 1 майга қадар муддатда аниқ таклифлар тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссиясига (Р.С. Азимов) киритсинлар.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р.С. Азимов):

ишчи гуруҳлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, уларнинг ишида амалий ёрдам кўрсатсин;

---

\* 1-илова берилмайди.

мазкур ишчи гуруҳлар таклиф ва материалларни тақдим этишига қараб қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини тайёрласин ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзuidaги маърузасида кўзда тутилган:

2-иловага\* мувофиқ давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш соҳасида;

3-иловага\* мувофиқ суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштириш;

4-иловага\* мувофиқ оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш соҳасида;

5-иловага\* мувофиқ ташқи сиёсат соҳасида;

6-иловага\* мувофиқ бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий тобора эркинлаштириш соҳасида Ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси маълумот учун ва ишчи гуруҳлар томонидан амалда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг боришини, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини ҳар томонлама ва мунтазам ёритиш борасида мавзулар бўйича кўрсатувлар ҳамда мақолаларни уюштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 февралдаги Ф-2116-сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 10 март,  
ПҚ-24-сон

---

\* 2—6-илвалар берилмайди.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**72 Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Импорт операцияларини бож-тариф билан батартиб бошқаришни такомиллаштириш, товарларнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни янада тартибга солиш, маҳаллий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 апрелидан бошлаб импорт операцияларини бож-тариф билан батартиб бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага\* мувофиқ баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилансинки, 2005 йилнинг 1 апрелигача божхонанинг «вақтинча сақлаш» режимига жойлаштирилган товарларни эркин муомалага чиқариш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сонли ва «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сонли қарорлари билан тасдиқланган ставкалар 2005 йилнинг 1 майига қадар қўлланилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда истеъмолда бўлган машиналар, ускуналар ва механизмлар (ташқи иқтисодий фаолият Товар номенклатураси кодлари — ТИФ ТН-84—89 гуруҳлар бўйича) экспорти 2005 йилнинг 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг ваколатли органи — «Ўзбекэкспертиза» ОАЖнинг тегишли хулосаси асосида фақат Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари бўйича амалга оширилади.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 11 март,  
ПҚ-26-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**73**  
сйда**2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган хусусий секторнинг жадал ривожланишини, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида ушбу секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш, шунингдек хўжалик жамиятларининг устав жамғармаларида давлат улушини тубдан қисқартириш, уларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қимматли қоғозлар, энг аввало иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

давлатнинг жойлаштирилмаган активлари тўлалигича хусусий мулк қилиб сотиладиган объектлар ва корхоналар рўйхати 1 иловага\* мувофиқ;

давлатнинг жойлаштирилмаган активлари 2005 йилда инвесторлар томонидан олинadиган инвестиция мажбуриятлари эвазига танлов асосида бепул берилиши таклиф этиладиган объектлар ва корхоналар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

устав жамғармасида акциялар (улушлар)нинг 51 ва ундан кўпроқ фоизи давлат мулки бўлиб қоладиган стратегик аҳамиятга эга корхоналар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарорнинг 1—3 иловаларида кўрсатилган корхоналар, объектлар ҳамда давлатга қарашли бошқа активларни баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқласин.

3. Давлат тендер комиссияси (Р.С. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари билан биргаликда 2005 ва 2006 йиллар якунларм бўйича 1-иловада кўрсатилган корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш натижаларини пухта ҳисобга олиб, биржа савдоларида сотилмаган объектлар бўйича уларни инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларида акцияларнинг давлат улушидан самарали фойдаланилиши мониторинги бўйича комиссияга (Р.С. Азимов) акциялар (улушлар)нинг назорат пакетларини сотиб олмасаларда, корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантиришга катта ҳажмдаги инвестицияларни қўшаётган инвесторларга профессионал бошқарувчи компанияларга бошқариш учун топширишга мўлжалланган давлат улушини бошқариш ҳуқуқини танлов ўтказмаган ҳолда бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

## 5. Қуйидагилар белгилансин:

1 ва 3-иловаларга киритилган объектлар ҳамда давлатнинг жойлаштирилмаган активлари белгиланган тартибда биржа савдоларида сотилади, Давлат тендер комиссияси томонидан сотиладиган активлар бундан мустасно;

---

\* 1—3 иловалар берилмайди.

стратегик аҳамиятга эга корхоналарни, шунингдек Ҳукумат кафолатига асосан хорижий кредитлар олган корхоналарни хусусийлаштириш Давлат тендер комиссиясининг хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича амалга оширилади;

енгил саноат корхоналарида давлат активларини стратегик инвесторларга сотиш хом ашёнинг чуқур қайта ишланиши ҳамда тайёр маҳсулот экспорти кўпайишини таъминлайдиган ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бизнес-режалари мавжуд бўлган тақдирда фақат Давлат тендер комиссиясининг розилиги билан амалга оширилади;

акциядорлик компаниялари ва холдингларнинг устав жамғармаларига топширилган акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини улар иккиламчи бозорда фақат Давлат тендер комиссиясининг қарорига биноан сотадилар, олинган пул маблағларини эса янги корхоналар барпо этиш, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларни инвестиция билан таъминлашга йўналтирадилар.

6. Давлат тендер комиссияси (Р.С. Азимов) уч ой муддатда болалар соғломлаштириш лагерларининг техникавий ҳолатини текшириб, рўйхат қилиб чиқсин ҳамда улардан мақсадли, шу жумладан Ўзбекистон Болалар спорти жамғармасига топшириш йўли билан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Давлат тендер комиссияси корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича Ҳукумат комиссияси билан биргаликда:

2005 йилнинг охиригача хусусийлаштирилган барча саноат корхоналари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилсин;

иқтисодий ночорлик (банкротлик) аломатлари мавжуд бўлган юридик шахслар бўйича ўтказилган таҳлил натижаларига кўра қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибот, яъни банкрот бўлган корхоналар тугатилиши ҳамда уларнинг мулкий мажмуалари инвестиция мажбуриятлари ва молиявий соғломлаштириш режалари эвазига янги хусусий мулкдорларга сотилишини ўз ичига олган тартиботни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ушбу қарор билан тасдиқланган 2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури қандай бажарилаётганлигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш бўйича тизимли ишларни ташкил этсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида» 1995 йил 31 августдаги 119-1-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳларини қисқартириш назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4 ва 5-иловаларга\* мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

---

\* 4-5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.



11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 14 март,  
ПҚ-29-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **74** **Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида**

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришнинг самарали ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек ҳарбий хизмат нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қўйидагиларнинг:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг — фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга уюшган ҳолда йиғиш ва қўшинларга тантанали вазиятда жўнатишни; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларида тантанали равишда кутиб олинишини таъминлаш; муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлашишда ва олий таълим муассасаларига ўқишга киришда кўмаклашиш юзасидан;

қўшинлар қисмлари командирларининг — муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшинларда қабул қилиб олиш бўйича тантанали тадбирларни ўтказиш, уларни ҳарбий хизмат шароитларига кўниктириш; озиқ-овқат ва кийим-кечакларнинг барча турлари билан таъминлаш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан самарали тайёрлаш, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган муддатли ҳарбий хизматчиларни қўшинлар қисмларидан уюшган ҳолда кузатиб қўйиш юзасидан шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Ғуломов Қ.), Ички ишлар вазирлиги (Алматов З.), Миллий хавфсизлик хизмати (Иноятов Р.) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисидаги низом талабларининг сифатли бажарилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Назиров Ф.) жойлардаги тиббий ва муқобил комиссияларнинг самарали ишлашини, чақирилувчиларнинг тиббий текширувдан сифатли ва ҳолисона ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Обидов О.) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, уларнинг эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик ихтисосларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Қосимов Р.) Давлат тест маркази (Исмоилов Б.), тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар орасидан олий таълим муассасаларига ўқишга кирадиган шахсларни сифатли тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминласин;

олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентларни тест синовларидан ўтказишда муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича юқори кўрсаткичларга эришган ҳамда қўшинлар қисмлари қўмондонлигининг белгиланган намунадаги тавсияномасини олишган фуқаролар учун уларга мумкин бўлган энг юқори баллнинг 20 фоизи миқдоридида қўшимча баллар бериш тарзида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلарни ҳисобга олсин.

7. Ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларини бажариш бўйича тадбирларни маблағ билан таъминлашнинг давлат ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

8. «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов А.), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Ҳазратқулов М.), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Алимов Б.)га Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервиги бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисидаги Низом талабларини амалга ошириш тадбирларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш тавсия қилинсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва С.Т. Иномова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 15 март,  
84-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 15 мартдаги 84-сон қарорига  
ИЛОВА

**Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш,  
уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон  
Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатиш ҳарбий  
хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатиш ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартибини, давлат органларининг ушбу ишларни амалга ошириш бўйича вазифаларини белгилайди.

2. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

**II. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва  
жўнатиш тартиби**

3. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг Бирлашган штаби чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга жўнатишнинг умумий жадвалини ишлаб чиқади. Чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга жўнатиш жадваллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига уларга тегишли қисми бўйича етказилади.

4. Чақирилувчиларни қўшинларга жўнатиш вилоят йиғин пунктларида амалга оширилади. Чақирилувчилар вилоят йиғин пунктларига мудофаа ишлари бўлимлари томонидан автобусларда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамроҳлигида ташкилий равишда ва чақирилувчиларни жўнатиш жадвалларида белгиланган муддатларда етказилади.

5. Чақирилувчиларнинг қўшинларга жўнатиш учун мудофаа ишлари бўлимларига келиш вақти уларнинг вилоят йиғиш манзилларига ҳарбий командаларнинг ҳарбий қисмларга жўнатилишидан камида 4 соат олдин етиб келиши ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

6. Чақирилувчиларни вилоят йиғин пунктларига жўнатишдан олдин мудофаа ишлари туман бўлимлари:

вилоят йиғиш манзилига юборилаётган ҳарбий командага номма-ном рўйхат тузиши;

вилоят йиғин пунктларига жўнатилаётган фуқароларга ҳарбий гувоҳномалар бериши ва улардан рўйхатдан ўтказиш гувоҳномалари ва паспортларини олиб қўйиши шарт.

7. Вилоят йиғин пунктида чақирилувчилар мудофаа ишлари бўлимлари вакилларидан номма-ном рўйхат бўйича қабул қилиш, қўшинларни бутлаш учун жўнатилаётган чақирилувчилар ҳарбий қисмларнинг вакилларига топширилади. Қўшинларнинг вакиллари (командаларнинг бошлиқлари) чақирилувчиларнинг ҳужжатларини ва ҳарбий ташув ҳужжатларини оладилар.

8. Мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари вилоят йиғин пунктларида вилоят чақирув комиссияларининг қарорлари билан муддатли ҳарбий хизматга олинган чақирилувчиларга «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига мувофиқ улар Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари муддатли хизматига янгидан чақирилган ҳарбий хизматчилар эканлигини эълон қилади. Ҳарбий хизматчиларга ҳаво, темир йўл ва автомобиль транспорти қатнови йўлида хавфсизлик чоралари ва хатти-ҳаракат қоидалари бўйича йўриқномалар берилади. Ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг кузатиш учун келган ота-оналарига муддатли ҳарбий хизматни ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарорлари, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, вазифалари ва имтиёзлари, қўшинларнинг ҳар хил турларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ хусусиятлари тушунтирилади.

9. Ҳарбий хизматчиларни қўшинларга жўнатиш кунда вилоят йиғин пунктида тантанали кузатиш бошлангунга қадар уларга шахсан фойдаланиш учун спорт кийими ва белгиланган намунадаги пойабзал берилади, улар бу буюмларни муддатли ҳарбий хизмат тамом бўлгандан кейин ўзлари билан олиб кетиш ҳуқуқига эга бўладилар.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан мудофаа ишлари бошқармалари билан биргалликда ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қисмларга жўнатиш жадвали олингандан кейин уларни қўшинларга тантанали кузатиб қўйишни ташкил этиш ва амалга ошириш режаси тузилади.

Қўшинларга юборилаётган ҳарбий хизматчиларни тантанали кузатиб қўйиш чақирув комиссияларининг раислари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ўринбосарлари раҳбарлигида ташкил этилади ҳамда ҳокимликлар, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Нуроний» жамоат ташкилотлари, Хотин-қизлар қўмитасининг вакиллари, ота-оналар иштирокида ўтказилади.

Тантанали кузатиб қўйиш мобайнида:

ҳарбий хизматчиларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган митинг ўтказилади;

ҳарбий хизматчиларга эсдалик совғалари топширилади;

тантанали кузатиб қўйиш қатнашчилари ва ҳарбий хизматчиларга байрам тушлиги ташкил этилади;

ижодий жамоалар ва бадий ҳаваскорлар концерти намойиш қилинади;

ҳарбий хизматчилар ота-оналар, ҳокимликлар, маҳаллий жамоатчилик вакиллари билан эсдалик учун суратга тушадилар.

11. Тантанали кузатиб қўйиш тугаллангандан кейин ҳарбий хизматчилар хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамроҳлигида ташкилий равишда транспортда хизмат жойларига жўнатиш учун вокзалларга (аэропортларга) юборилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳаракат хавфсизлиги шартларига жавоб берадиган, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган, техник жиҳатдан тайёр транспорт воситаларида тиббиёт ходимлари ҳамроҳлигида хизмат жойларига етказилади. Ҳарбий хизматчиларни мослаштирилган вагонларда ташиш қатъиян тақиқланади.

12. Оммавий ахборот вакиллари томонидан ҳарбий хизматчиларни қўшинларга кузатиш билан боғлиқ тантанали тадбирларни кенг ёритиш ташкил этилади.

### III. Чакирилувчиларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш тартиби

13. Ҳарбий қўшилмалар ва ҳарбий қисмларнинг командирлари муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун келган ҳарбий хизматчиларни вокзаллар, аэропортларда шахсан кутиб оладилар ҳамда уларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамроҳлигида бевосита ҳарбий қисмларга ташкилий равишда етказилишини амалга оширадилар.

14. Ҳарбий қисмларда янгидан чакирилган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш муносабати билан:

шахсий таркибни ҳаммомда ювинтириш ва ҳарбий хизматчиларга ҳарбий кийим-кечак кийдириш;

ҳарбий қисмларнинг командирлари, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида қисмга ҳарбий хизматчилар келганлигига бағишланган тантанали митинглар ўтказиш;

байрам тушлиги ташкил этилади.

15. Қисмларнинг командирлари томонидан ҳарбий хизматчилар бўлинмаларда бўлган дастлабки ўн кунда:

юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича тиббий тадбирлар комплекси (дастлабки тиббий кўриклар, профилактик эмлаш ва санитария кўриги), санитария маданияти даражасини ошириш тадбирлари (шахсий ва жамоат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш);

чакирилувчиларнинг маънавий-руҳий сифатларини ўрганиш, чакирилувчиларни такрорий тиббий кўриқдан ўтказиш;

жамоатчиликни жалб этган ҳолда жойларда «Сен хизмат қилаётган ўлка» руқни остида мавзули тадбирлар ўтказилади. Бундай тадбирлар давомида ҳарбий хизматчиларга вилоят, туман, шаҳарнинг тарихи, иқтисодий соҳадаги муваффақиятлар ва ютуқлар, вилоят, туман, шаҳарнинг таниқли кишилари ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳарбий қисмнинг ташкил этилиши тарихи, унинг анъаналари ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик борасида эришган ютуқлари билан таништирилади;

қисмдаги қурол-яроғлар ва техника ҳарбий хизматчиларга намойиш қилинади;

шахсий таркиб Ҳарбий қасамёдни, умумқўшин уставларини, муддатли ҳарбий хизматни ўташ масалалари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларини ўрганади;

муддатли ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ашёлар ва пул, овқат билан таъминлаш нормалари, тиббий ва ҳаммом-кир ювиш хизматлари тартиби маълум қилинади.

16. Ҳарбий хизматчиларни жисмоний юкламаларга мослаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларнинг командирлари, ҳарбий-тиббий хизматлар мутахассисларининг доимий назорати остида:

эрталабки бадантарбияни амалга ошириш жараёнида шахсий таркибни чиниктириш ва жисмоний тайёргарлик бўйича режали машғулотлар;

ҳарбий хизматчиларнинг юкламаларга яқка тартибда жисмоний ва руҳий чидамлилигини, уларнинг ҳарбий хизматчилар организмга таъсири даражасини аниқлаш;

ҳарбий хизматчиларни бўлинмаларда штатдаги лавозимлар бўйича тақсимлаш ҳақидаги қарорларни аниқлаштириш;

ҳарбий хизматчилар томонидан ҳарбий мутахассисликлар сифатли ўзлаштириб олинишига, жисмоний ва ахлоқий камол топишига, мақсадли характер, Ватанга муҳаббатга ва унинг ҳимояси учун тайёр туришга асосланган қатъий ҳаётий нуқ-

таи назар шаклланишига йўналтирилган муддатли ҳарбий хизматчиларни жанговар ва ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида самарали тарбиялашни таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни жўнатиш тартиби**

17. Муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни ҳарбий хизматдан бўшатиш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисидаги қарори чиққандан кейин ҳарбий округлар штаблари Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари бирлашмалари штаблари, Ички ишлар вазирлиги ички ва қўриқлаш қўшинлари қўшилмалари ҳамда қисмлари билан биргаликда округ қўшинлари учун ягона ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш режасини ишлаб чиқади.

19. Ҳарбий қисмлар командирлари маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисм билан тантанали хайрлашувини таъминлайдилар, хайрлашув давомида:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига жўнатишга бағишланган митинглар;

резервга бўшатиш, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочилари бўлган ҳарбий хизматчиларга олий таълим муассасаларига кириш учун ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларини топшириш;

резервга бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларга ёрдам пули бериш;

эсдалик совғалари топшириш;

ҳарбий хизматчиларнинг қисм қўмондонлиги билан эсдалик учун суратга тушиши;

байрам тушлиги ташкил этилади.

20. Ҳарбий хизматчилар Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмларидан, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинларидан, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қўриқлаш қўшинларидан, кейинчалик яшаш жойларига жўнатиш учун хавфсизлик чораларига риоя этган ҳолда белгиланган муддатларда вокзалларга (аэропортларга) етказилади.

21. Резервга бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий гувоҳнома ва ҳисобга олиш-хизмат қилиш карточки берилади.

#### **V. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш тартиби**

22. Резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни тантанали кутиб олиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилади.

Тантанали кутиб олиш давомида:

резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни кутиб олишга бағишланган митинглар ўтказилади, митингда ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари иштирок этадилар;

ижодий жамоалар ва бадий ҳаваскорлар концерти уюштирилади;

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жойлардаги органлари вакиллари чиқишлари ўтказилади, бундай чиқишларда ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг ота-оналарига ишга жойлаштириш ва касбга ўқитиш юзасидан маълумот берилади, тегишли эсдаликлар топширилади;

оммавий ахборот воситаларида резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар ёритилади.

Тантанали тадбирлар тамом бўлгандан кейин захирага бўшатишган ҳарбий хизматчилар хавфсизлик чораларига риоя этилган ҳолда ташкилий тартибда транспортда яшаш жойларига етказилади.

#### **VI. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни иш билан таъминлаш бўйича вазифалари**

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар бошқа тенг шартларда (таълим, касб малакаси ва бошқалар) давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардликнинг армия мактабидан ўтган ва ватанпарварлик тарбияси сингдирилган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажрибага эга бўлган мамлакатнинг энг фаол ва тайёрланган кадрлар захираси ҳисобланган шахслар сифатида устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

24. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни ишга жойлаштиришни ва касбга ўқитишни;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишига қодир бўлмаган ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган шахслар учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ташкил этилаётган қонун ҳужжатларида белгиланган иш жойларининг энг кам (квота) сонига ишга жойлаштиришни;

фуқароларнинг кўрсатиб ўтилган тоифасини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича туман (шаҳар) меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари фаолияти назорат қилинишини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар билан уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ишга жойлашишини тушунтириш бўйича шахсан иш олиб борилишини;

мудофаа ишлари бўлимларининг резервга бўшатишган ҳарбий хизматчилар ишга жойлаштирилиши ва ижтимоий муҳофаза қилиниши тўғрисида белгиланган муддатларда хабардор қилинишини;

резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни ишга жойлаштириш юзасидан олиб борилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этилишини таъминлайдилар.

25. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Давлат тест маркази, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролардан бўлган шахсларни олий таъ-



лим муассасаларига ўқишга киришга сифатли тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди;

олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовлари ўтказиш давомида муддатли ҳарбий хизмат давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ва Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун энг кўп тўплаш мумкин бўлган баллнинг 20 фоизи миқдорига қўшимча баллар тарзидаги қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни ҳисобга олади;

ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги тавсиялари бўйича резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун зарур шарт-шароитларни ташкил этиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

26. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги резервга бўшатишган ҳарбий хизматчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олишни амалга оширади.

#### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING QARORI

## **75** **Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджети параметрларида сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 март,  
86-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 16 мартдаги 86-сон қарорига  
ИЛОВА

**Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини  
давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ сиёсий партиялар, агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (кейинги ўринларда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайловлар якунлари бўйича тегишли сиёсий партиядан Қонунчилик палатаси фракциясини ташкил этиш учун зарур бўлган камида тўққиз депутат сайланган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг ҳар йилги миқдори ушбу маблағлар ажратиладиган йилдан олдинги йилнинг биринчи январига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг икки фоизини Қонунчилик палатасига сўнги сайловларда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар сонига кўпайтириш ҳисобига шакллантирилади.

4. Сиёсий партиялар янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб ўзларининг уставда назарда тутилган фаолияти давлат томонидан молиялаштирилиши ҳуқуқини оладилар.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўхтатилади.

5. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сиёсий партиялар аъзоларининг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

аҳоли билан учрашувлар (давра суҳбатлари, йиғилишлар, митинглар ва қонунда белгиланган тартибда ўтказиладиган бошқа учрашувлар) ўтказишга;

сиёсий партиянинг матбуот органига ёрдам кўрсатишга;

кўргазмалар тарғибот материалларини нашр этиш ва тарқатишга;

партия фаолларини ўқитишга, улар билан семинарлар, тренинглар ўтказишга;

партиянинг конференциялари, съездларини ўтказиш;

сиёсий партиянинг ижро этувчи аппарати таъминоти учун жорий харажатларга;

партиянинг мол-мулкини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ коммунал хизматлар ва эксплуатация харажатларини тўлашга сарфланади.

Кўрсатиб ўтилган маблағлар партиянинг уставида ва белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметасида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳам сарфланади.

Уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағла-

рини оладиган сиёсий партиялар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

янги чақириқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида — сиёсий партия мазкур ойдан бошлаб давлат томонидан молиялаштириш ҳуқуқини оладиган ой бошлангунгача;

кейинги йилларда — навбатдаги молия йилидан олдинги йилнинг ўнинчи декабригача тасдиқланган харажатлар сметасини, шунингдек банклар томонидан тасдиқланган ўз ҳисоб рақамларини тақдим этадилар.

6. Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасига мувофиқ унга сайлов округлари бўйича сайловларнинг натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларининг барча протоколлари тақдим этилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда ҳар бир сайлов округи бўйича, Марказий сайлов комиссиясининг раиси ва котиби томонидан имзоланадиган протоколда кўрсатган ҳолда сайловчиларнинг умумий сонини аниқлайди. Кўрсатиб ўтилган протоколнинг бир нусхаси Марказий сайлов комиссиясида қолади, қолган икки нусхаси имзолангандан кейин ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қонунчилик палатаси депутатлари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда ҳар бир сиёсий партиядан сайланган Қонунчилик палатаси депутатларининг сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий сайлов комиссиясининг маълумотлари асосида давлат бюджети параметрларида сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун маблағларни назарда тутати ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ажратиладиган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қилади.

9. Тегишли сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштиришга мўлжалланган давлат маблағларининг йиллик суммаси ва уларни ойлар бўйича ажратиш жадвали Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида Марказий сайлов комиссияси ва Молия вазирлигининг маълумотлари тақдим этилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Кейинги йилларда кўрсатиб ўтилган сумма ва уни ажратиш жадвали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тегишли йилга ажратиладиган маблағлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Адлия вазирлигининг давлат маблағлари суммасини аниқлаш ва уни ажратиш жадвали тўғрисидаги қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб икки иш кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилади.

10. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштиришга мўлжалланган давлат маблағлари суммаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан улар ўртасида сиёсий партияларнинг ҳар бири томонидан Қонунчилик палатасида олинган депутатлар ўрни сонига мутаносиб тарзда тақсимланади. Ҳар бир сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўлжалланган давлат маблағлари суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$C=(M/C) \times Dc$ , бунда:

C — муайян сиёсий партиянинг устав фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўлжалланган давлат маблағлари суммаси;

M\* — сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик миқдори;

C — уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар депутатларининг умумий сони;

Dc — уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағлари олиш ҳуқуқига эга бўлган муайян партия депутатларининг сони.

11. Янги чақириқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида ҳар бир сиёсий партияга ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори унга мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ажратилган давлат маблағлари миқдорини Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилган ойдан кейинги ойдан бошлаб қолган ойлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади (1-схема).

Янги чақириқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг кейинги йилларида ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори муайян сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини ҳар йили молиялаштириш учун мўлжалланган давлат маблағлари суммасини жорий йилдаги ойларнинг тўлиқ сонига бўлиш йўли билан аниқланади (2-схема).

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда жорий ойнинг ўнинчи кунигача сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришга давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ўзининг ҳисоб рақамига тушган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ушбу маблағларни ойлар бўйича ажратиш жадвалига мувофиқ тегишли сиёсий партияларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилади (1 ва 2-схемалар).

13. Қонунчилик палатаси аппарати фракция рўйхатдан ўтказилган ёки у тугатилган, шунингдек депутатлар фракцияга кирган ёки унинг таркибидан чиққан кундан бошлаб уч кун мобайнида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ёзма равишда хабардор қилади.

Марказий сайлов комиссияси тақрорий сайловлар ўтказилгандан («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 46-моддаси) ва чиқиб кетган депутатларнинг ўрнига Қонунчилик палатасига депутатлар сайловлари («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси) ўтказилгандан кейин, шунингдек депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилганда (депутатнинг чақириб олиниши ва қонунда назарда тутилган бошқа асослар), депутатлар таркибида бошқа ўзгаришлар бўлган тақдирда уч кун мобайнида бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ёзма равишда хабардор қилади.

14. Агар мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган маълумотлар йил давомида тақсимланадиган давлат маблағлари суммаси қайта кўриб чиқилишига олиб кел-

---

\* Янги чақириқ Қонунчилик палатаси фаолиятининг биринчи йилида ушбу сумма янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўтказилгунгача олдинги сайловлар натижалари бўйича сиёсий партияларга ажратилган маблағлар суммасига камайтирилади.

ган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарорлари асосида уларни қайта тақсимлаш амалга оширилади.

Муайян сиёсий партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг қолган суммаси мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган формула бўйича аниқланади. Бунда «М» ҳарфи қолган ойларга ажратиладиган давлат маблағларининг умумий миқдорини ифодалайди. Бунда ойлар бўйича ажратиладиган маблағлар миқдори қолган суммани ушбу йилнинг қолган ойлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар:

маблағларни қайта тақсимлаш муайян сиёсий партияга ажратиладиган маблағлар миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш заруриятига олиб келса — мазкур партияга кейинги даврларга ажратиладиган маблағлар миқдори депутатлар сони ўзгариши юз берган ойдан кейинги ойдан бошлаб қайта кўриб чиқилади;

ўзгаришлар натижасида муайян сиёсий партия депутатларининг сони 9 депутатдан бўлиб қолса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўзгариш юз берган ойдан кейинги ойдан бошлаб мазкур партиянинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришни тўхтатади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат маблағларини қайта тақсимлаш тўғрисидаги қарори у томонидан Қонунчилик палатаси аппарати ва Марказий сайлов комиссиясининг юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги билдиришномасини олган кундан бошлаб беш кун мобайнида қабул қилинади (3-схема).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори маблағлар камайтирилиши (кўпайтирилиши) миқдори кўрсатилган ҳолда қабул қилинган кундан бошлаб икки кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига етказилади.

15. Сиёсий партиялар томонидан ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун олинган ва унинг учун ажратилган молиявий йил мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағлари молиявий йил тамом бўлгандан кейин бир ой мобайнида, кейинчалик давлат бюджетига қайтариш учун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

16. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг тушиши ва сиёсий партияларнинг ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси амалга оширади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг тушишини ва сиёсий партиялар томонидан ушбу маблағлардан фойдаланилишини текшириш, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир қисмини ташкил этган депутатлар гуруҳининг мурожаати бўйича Қонунчилик палатаси томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва улар уставларига мувофиқлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

17. Сиёсий партия ҳар йили қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида молиявий маблағлар ва бошқа маблағларнинг тушуми ва сарфланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Давлат маблағларининг тушиши ва сарфланиши сиёсий партиянинг молиявий ҳисоботида алоҳида устунда кўрсатилади.

Қонунчилик палатаси фаолиятининг  
биринчи йилида сиёсий партияларнинг  
уставда назарда тутилган фаолиятини  
молиялаштиришнинг  
1-схемаси



1. **Марказий сайлов комиссияси** сайлов округлари бўйича сайловлар натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларининг барча протоколлари тақдим этилган вақтдан бошлаб 3 кун муддатда республика бўйича сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда умумий протокол тузади. Протокол имзолангандан кейин 10 кун муддат доирасида Адлия вазирлигига ва Молия вазирлигига юборилади.

2. **Марказий сайлов комиссияси** Қонунчилик палатаси депутатлари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда Адлия вазирлигига ҳар бир сиёсий партиядан сайланган депутатлар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

3. **Сиёсий партия** молиялаштиришнинг биринчи оёи бошлангунга қадар Адлия вазирлигига харажатлар сметасини ва банк томонидан тасдиқланган ҳисоб рақамини тақдим этади.


4. **Молия вазирлиги** ажратилаётган маблағлар миқдорини Адлия вазирлигига маълум қилади.

5. **Адлия вазирлиги** 10 кун муддатда муайян сиёсий партияни йиллик молиялаштириш миқдорини ва маблағларни ойлар бўйича ажратиш жадвалини белгилайди. Қарор икки кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

6. **Молия вазирлиги** ҳар ойда 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

7. **Адлия вазирлиги** маблағлар Молия вазирлигидан тушган кундан бошлаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказиши.

Қонунчилик палатаси фаолиятининг кейинги йилларида сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришнинг 2-схемаси



1. **Сиёсий партия** молиявий йилдан олдинги йилнинг 10 декабригача Адлия вазирлигига харажатлар сметасини ва банк томонидан тасдиқланган ҳисоб рақамини тақдим этади.


2. **Молия вазирлиги** ажратилаётган маблағлар миқдорини ҳар йили Адлия вазирлигига маълум қилади.

3. **Адлия вазирлиги** 10 кун муддатда муайян сиёсий партияни йиллик молиялаштириш миқдорини ва маблағларни ойлар бўйича ажратиш жадвалини белгилайди. Қарор 2 кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

4. **Молия вазирлиги** ҳар ойда 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

5. **Адлия вазирлиги** маблағлар Молия вазирлигидан тушган кундан бошлаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказиши.

Қонунчилик палатаси депутатлари таркиби ўзгарган ҳолларда сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштиришни қайта кўриб чиқишнинг 3-схемаси



1. **Қонунчилик палатаси аппарати** фракциялар рўйхатдан ўтказилган ёки тугатилган, шунингдек депутатлар фракцияга кирган ёки унинг таркибидан чиққан кундан бошлаб 3 кун муддатда бу ҳақда Адлия вазирлигига маълум қилади.

2. **Марказий сайлов комиссияси** такрорий сайловлар ўтказилгандан ҳамда чиқиб кетган депутатлар ўрнига Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўлиб ўтгандан кейин, шунингдек депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилганда Қонунчилик палатаси депутати рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 3 кун муддатда бу ҳақда Адлия вазирлигига маълум қилади.

**3. Адлия вазирлиги** Қонунчилик палатасидан, Марказий сайлов комиссиясидан ахборот олинган кундан бошлаб 5 кун муддатда қолган маблағларни қайта тақсимлайди. Қарор 2 кун муддатда Молия вазирлигига юборилади.

**4. Молия вазирлиги** ҳар ойда 10-кунгача маблағларнинг Адлия вазирлиги ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлайди.

**5. Адлия вазирлиги** маблағлар Молия вазирлигидан тушган кундан бошлаб 3 кун муддатда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига тегишли суммани ўтказди.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРAT БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**76 Хўжалик юритувчи субъектларнинг қуввати 10 киловаттгача бўлган электр ускуналарини улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1454-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан қучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомга асосан, **буюраман:**

1. Илова\* қилинаётган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг қуввати 10 киловаттгача бўлган электр ускуналарини улаш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, 10 кун ўтганидан сўнг қучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**«Ўздавэнергоназорат» Инспекцияси бошлиғи Б. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 16 февраль,  
57-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**77** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низомни янги тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1455-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 51-моддасига асосан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг янги таҳрири лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув **қарор қилади:**

1 «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрири иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 30 ноябрдаги 26/14-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низом (2003 йил 22 январь, рўйхат рақами 1204) ва унга Марказий банк Бошқарувининг 2003 йил 7 июндаги 12/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1-сонли қўшимча ва ўзгартиришлар (2003 йил 3 июль, рўйхат рақами 1204-1.), Марказий банк Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 32/8-сонли қарори билан тасдиқланган 2-сонли қўшимча (2004 йил 14 январь, рўйхат рақами 1204-2), Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/7-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар (2004 йил 2 апрель, рўйхат рақами 1204-3), Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 8 майдаги 10/7-сонли қарори билан тасдиқланган 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар (2004 йил 26 май, рўйхат рақами 1204-4) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Адлия вазирлигида Давлат рўйхатидан ўтказилгандан вақтдан 10 кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 январь,  
1/7-сон

Марказий банки Бошқарувининг  
2005 йил 29 январдаги 1/7-сонли қарори  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари,  
бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит  
уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига  
тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака  
талаблари қўйиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ  
(янги таҳрири)**

Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқлигини аниқлаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Малака талабларини қўйиш ва касбга мувофиқликни аниқлаш (кейинги матнларда «касбга мувофиқликни аниқлаш» деб юритилади) — банк иши ва амалиётини юритишда амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш учун юқори малака ва салоҳиятга ҳамда бенуқсон ишбилармонлик ва жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлган мутахассисларни танлаш усулидир.

2. Касбга мувофиқликни аниқлашнинг асосий тамойиллари — очиқлик, кенгашилиқ ва холислиқдан иборат.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси (кейинги матнларда «Комиссия» деб юритилади) касбга мувофиқликни аниқловчи коллегиал орган ҳисобланади.

4. Мазкур Комиссияда тижорат банклари Бошқаруви раислари ва раис ўринбосарлари (Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган лавозимлар бундан мустасно), Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг бош бухгалтери, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман филиаллари, Амалиёт бошқарма (бўлим)-лари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари, шунингдек, кредит уюшмалари ижро

органлари раҳбарлари (кейинги матнларда «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари» деб юритилади) лавозимларига тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг касбга мувофиқлиги аниқланади.

5. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари қўйидаги ҳолларда тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топиладилар ва ўз навбатида улар бу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас:

амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида нотўғри иш олиб бориш ва виждонан иш юритмасликни намоён қилган шахслар;

ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишласа.

6. Банк ёки филиал раҳбарлари бир банк таркибида бошқа филиалга ёки умуман бошқа банкка тенг лавозимларга ўтказилганида уларнинг касбга мувофиқлиги Комиссия томонидан қайта кўриб чиқилади.

7. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимдан озод этилиши масаласи тижорат банки Бошқаруви (кредит уюшмаси кенгаши) тақдимномаси асосида Комиссияни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимдан озод этилганда, буни тасдиқловчи буйруқ нусхаси 3 иш куни муддати ичида Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига етказилиши ҳамда ушбу ўринларга тайинлаш учун тавсия этилаётган номзодларнинг тижорат банклари 1-иловада, кредит уюшмалари 2-иловада кўрсатилган ҳисоб-тавсифлов ҳужжатлари кўриб чиқиш учун 15 кун муддатда Комиссияга тақдим этилиши лозим.

8. Ушбу Низомнинг 4-бандида қайд этилган раҳбарлик лавозимларига тавсия этилган номзод узоғи билан 1 ой муддатгача мазкур лавозимда вазифани бажарувчи сифатида ишлаб туриши ҳамда шу муддат ичида Комиссия сўхбатидан ва (ёки) тест синовидан ўтиши шарт.

9. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандлари талабларига риоя қилмаган тақдирда, уларга нисбатан Марказий банк томонидан қўйидаги чоралар қўлланилиши мумкин:

тижорат банкларига ўрнатилган минимал устав капитали миқдорининг 0,01 фоизи миқдорда жарима солиш;

тижорат банкларида ушбу ҳолатлар қайта такрорланган тақдирда, банк филиалини ёпишгача бўлган чораларни кўриш;

кредит уюшмаси лизенциясини амал қилишини тўхтатиб туриш ва лицензиясини бекор қилишгача бўлган чораларни кўриш.

## II. Малакага доир талаблар

10. Тижорат банклари раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётган номзод қўйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ёритилган асосий масалалар моҳияти;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва банк фаолиятига оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, ҳўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

банк ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;

молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари;

банк ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

кичик бизнесни кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

банкни корпоратив бошқариш тартиби;

ички аудит вазифалари ва фаолияти;

эмиссия-касса операцияларини амалга ошириш тартиби;

чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;

пул муомаласини ташкил этиш масалалари;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

Шунингдек, номзод Базель қўмитасининг банк фаолиятига оид асосий тамоийилларини билиши лозим.

Кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимига тавсия этилаётган номзод қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, банк ва кредит уюшмаси фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шу жумладан:

фуқаролик, ҳўжалик ва меҳнат қонунчилиги;

кредит уюшмаси ҳисоботларини тузиш тартиби;

ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

11. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк тизимида етарли иш тажрибасига ҳамда охириги иш жойидан тавсияга эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига истисно тариқасида банк ёки иқтисодий мутахассислик бўйича олий ўқув юртида таълим олаётган ноиқтисодий йўналиш бўйича олий маълумотга эга бўлган номзодлар тавсия этилиши мумкин.

### **III. Номзоднинг касбга мувофиқлигини аниқлаш тартиби**

12. Комиссия таркиби Марказий банк Раисининг буйруғи билан тасдиқланади. Комиссия таркибидаги ходимлар бошқа лавозимга ёки бошқа ишга ўтган тақдирда, улар ўрнига тайинланган ходимлар Комиссия таркибига киритилган ҳисобланади.

13. Комиссия йиғилиши ва қарорлари унинг аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келиб қолганда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14. Комиссия раиси йўқлигида мажлисни унинг ўринбосари ўтказиши мумкин.

15. Комиссия ишини ташкил этиш (ҳужжатларни қабул қилиш ва олдиндан таҳлил қилиш, Комиссия мажлиси баённомасини юритиш ва ҳ. к.) Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси томонидан олиб борилади.

16. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари тавсия этилаётган номзодларга оид ҳужжатларни тақдим этадилар. Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси комиссиянинг барча аъзоларини мазкур ҳужжатлар билан таништириб чиқиши лозим.

Марказий банк зарурат туғилган ҳолларда, номзод тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган ахборотларни номзоднинг ўзидан, шунингдек тегишли ваколатли идоралардан сўраб, аниқлаб олиши мумкин.

17. Тижорат банклари ва кредит уюшмаларининг раҳбарлари лавозимга тавсия этилаётган номзодларнинг Комиссияга тақдим этилган ҳужжатларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

18. Тижорат банклари ва кредит уюшмаларидаги Марказий банк номенклатурасига кирадиган лавозимларга тавсия этилаётган номзодларнинг ҳисоб-тавсифлов ҳужжатлари дастлаб тижорат банклари, кредит уюшмалари ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан кўриб чиқилиб, сўнг Комиссияга тақдим этилади. Комиссия тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан тақдим этилган номзодларнинг ҳисоб-тавсифлов ҳужжатларини ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда, 10 кун муддатда ўрганиб чиқади ва номзоднинг лавозимга мувофиқлигини аниқлаш масаласини ўзининг навбатдаги мажлиси кун тартибига кирилади.

19. Тавсия этилаётган номзоднинг лавозимига мувофиқлиги Комиссия томонидан ўтказиладиган суҳбат ва (ёки) тест синовини орқали аниқланади. Суҳбат ва (ёки) тест натижаларига кўра номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур қарордан кўчирмани тижорат банклари ва кредит уюшмаларига ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига юборилади.

Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари тавсия этилган лавозимига мувофиқ деб топилган санадан бошлаб 10 кун муддат давомида лавозимига тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани мазкур тижорат банкининг ходимлар билан ишлаш бўлинмаси ёки кредит уюшмаси томонидан Марказий банкнинг Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига тақдим этилиши лозим.

20. Фаолият кўрсатаётган Тижорат банклари ва кредит уюшмалари раҳбарлари лавозимига тавсия этилган номзодлар мувофиқ эмас деб топилганда, тижорат банки (банк Кенгаши) ва кредит уюшмаси Комиссия қароридан тегишли кўчирмани олганидан сўнг, 15 кун муддат ичида ушбу лавозимга бошқа малакали номзод(лар)ни тавсия этиши лозим.

21. Тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас, деб топилган номзодлар ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган лавозимларга тайинлаш учун камида бир йил муддат ўтгандан сўнг қайта тавсия этилиши мумкин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси банк

тизимининг раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» 1998 йил 24 сентябрдаги Р-896-сонли фармойишига мувофиқ ҳолда ўтказиладиган аттестация якунлари бўйича эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган раҳбар ходимлар 1 йилдан сўнг Комиссияга қайта суҳбатга ва (ёки) тест синовига қўйилиши мумкин. Бунинг учун қўшимча равишда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- а) банк Бошқаруви раисининг тавсияномаси;
- б) банк Кенгаши ёки Бошқарувининг камида иккита аъзосининг фикрномаси;
- в) Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг фикрномаси;
- г) ходимнинг ўтган вақт мобайнида иш фаолияти натижалари, малакаси, назарий ва амалий билимларини оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар шундай тавсиялар берилган бўлса).»

Тавсия этилаётган номзод учун аттестацияда эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган санадан 3 йил ўтгандан сўнг раҳбарлик лавозимига тавсия этилган тақдирда ушбу банднинг биринчи хатбошисида келтирилган қўшимча равишдаги ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби низомига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

- Бош банк Бошқаруви тақдимномаси (Банк Кенгаши тақдимномаси);
- Сўровнома;
- Таржимаи ҳол;
- ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юртида ёки техникумда ўқиётган бўлса — ўқиётган жойидан маълумотнома);
- Охирги иш жойидан тавсифнома;
- тавсия этилаётган номзод билан республика банкида ўтказилган суҳбат баённомаси;
- 6 х 4 ҳажмдаги 4 дона рангли сурат;
- айти пайтда ишлаб турган банк томонидан тайёрланган номзоднинг иш фаолияти ҳақидаги маълумотнома;
- Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси Банк Кенгашининг розилик хати (Кенгаш аъзолари томонидан ўтказилган суҳбат варақаси илова қилинади).
- Номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикрнома ёки мулоҳазалар (Бош банк ва унинг вилоятлардаги бошқармалари раҳбарларига 5 та, бош бухгалтерларига 3 та ҳамда шаҳар ва туманлардаги бўлим раҳбарларига 3 та, бош бухгалтерларига 3 тадан кам бўлмаслиги керак)

— турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
томонидан тижорат банклари ва уларнинг  
филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерла-  
ри, бошқарув аъзолари ҳамда кредит  
уюшмалари ижро органлари раҳбарлари  
лавозимларига тавсия этилаётган номзод-  
ларга нисбатан малака талаблари қўйиш  
тартиби низомига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тижорат  
банклари ва улар филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари,  
бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари  
раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссиясига  
тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар  
рўйхати**

- Кредит уюшмаси Кенгаши тақдимномаси;
- Сўровнома;
- Таржимаи ҳол;
- ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом нусхаси (агар олий ўқув юр-  
тида ёки техникумда ўқиётган бўлса — ўқиётган жойидан маълумотнома);
- Охирги иш жойидан тавсифнома;
- 6 x 4 ҳажмдаги 4 дона рангли сурат;
- Кредит уюшмаси томонидан тайёрланган номзоднинг иш фаолияти ҳақида-  
ги маълумотнома;
- Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаси Банк Кенгашининг розилик хати  
(Кенгаш аъзолари томонидан ўтказилган суҳбат варақаси илова қилинади).
- Номзоднинг иш фаолияти ҳақида касбдошлари томонидан билдирилган фикр-  
нома ёки мулоҳазалар (5 тадан кам бўлмаслиги керак);
- турар жойидан маълумотнома ва тавсифнома.

Бундан ташқари, номзод шахсини тасдиқловчи ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси ёки ўқиётганлигини тасдиқловчи синов дафтарчасининг асл нусхасини ўзи билан бирга олиб келиши шарт.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **78** Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1383-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари тасдиқланганлиги муносабати билан, **бюраман:**

1. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг 2004 йил 21 майдаги 207-сон буйруғи билан тасдиқланган «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари»нинг 11-банди тўққизинчи хатбошида (2004 йил 9 июль, рўйхат рақами 1383 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 27-сон, 317-модда) «2003 йил 16 июндаги 271-сон» сўзлари «2005 йил 27 январдаги 32-сон» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, 10 кун ўтганидан сўнг кучга киритилсин.

**«Ўздавэнергоназорат» Инспекция бошлиғи Б. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 февраль,  
45-сон

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ  
«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРAT» БОШЛИГИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

## **79** Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 10 мартда 1440-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари тасдиқланганлиги муносабати билан, **буюраман:**

1. «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг 2004 йил 24 декабрдаги 415-сон буйруғи билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тартиби тўғрисида низом»нинг 33-бандида (2005 йил 9 июль, рўйхат рақами 1440 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 2-сон, 11-модда) «2003 йил 16 июндаги 271-сон» сўзлари «2005 йил 27 январдаги 32-сон» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб, 10 кун ўтганидан сўнг кучга киритилсин.

**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ҒУЛОМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 февраль,  
46-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**80** Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган  
товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз  
солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1325-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабридаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 52-сон, 523-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16 ва 2004-13-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2004 йил 15 март, рўйхат рақами 1325 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 11-сон, 133-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 31 январь,  
24-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 31 январь,  
2005-18-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**81** **Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1107-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 22 январдаги 25 ва 2002-13-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 11 март, рўйхат рақами 1107 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон, 19-сон; 2003 й., 5-6-сонлар; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 7-сон, 89-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 31 январь,  
23-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 31 январь,  
2005-17-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚўМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ ҚўМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**82** Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
10 мартда 1456-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 20 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 июндаги 295-сонли «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 26-сон, 298-модда) ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 февраль,  
01/06-19/1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 февраль,  
30-сон

Давлат статистика қўмитаси раиси Г. ҚУДРАТОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 февраль,  
18-03-09/184-сон

Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар  
ишлари қўмитаси раиси Г. САИДОВА

Тошкент ш.,  
2005 йил 2 февраль,  
4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**83** Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
18 мартда 622-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низом»га (1999 йил 5 февраль, рўйхат рақами 622) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 январь,  
74-2-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **84** Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
18 мартда 1457-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банк ва банклар тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Четдан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга киритилган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1993 йил 22 июндаги 36-сон қарори билан тасдиқланган «Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш тартиби» (1994 йил 8 апрель, рўйхат рақами 40) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 16 октябрдаги 22/4-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 январь,  
599-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР  
АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

## **85** Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
18 мартда 1183-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айримларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 434-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қарорлари тўплами, 2003 йил, 10-сон, 95-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 15 октябрдаги 115, ЭГ-В-01/10-4198, 225-В, 2002-84, 01-02/8-44-сонли қарори (2002 йил 25 октябрь, рўйхат рақами 1183 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 20-сон) билан тасдиқланган Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар иловага мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кундан сўнг амалга киритилсин.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 март,  
17-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 март,  
НН-01/10-783-сон



**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 март,  
225-В-1-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 март,  
2005-27-сон

**Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 5 март,  
01-02/20-4-сон

Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий  
алоқалар агентлиги, Марказий банки  
Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси,  
Давлат божхона қўмитасининг  
2005 йил 5 мартдаги  
17, НН-01/10-783, 225-В-1, 2005-27,  
01-02/20-4-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Корхона ва ташкилотлар (кейинги матнда «корхоналар» деб юритилади)  
товарларни сотишни улгуржи ва чакана савдонинг ўрнатилган қоидаларига риоя этган  
ҳолда амалга оширадилар.»

2. 7-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ  
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 86 Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
18 мартда 1458-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорининг 6-бандига асосан, **буюраман:**

1. Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу буйруқ кучга кирган санадан эътиборан О“zDSt 5.7:2003 «ЎзСМТ. Маҳсулотларни сертификатлаш тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш  
агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 25 февраль,  
59-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**87** **Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
18 мартда 1110-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 28 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 595-сон ва 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон қарорларига асосан **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 10-сон ва 2002-16-сон қарори билан тасдиқланган Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 14 март, рўйхат рақами 1110 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 17-18-сон; 2003 й., 5-6-сон; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 125-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 январь,  
13-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 18 январь,  
2005-11-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 5 мартдан 18 мартгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг қуввати 10 киловаттгача бўлган электр ускуналарини улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлигининг 2005 йил 16 февралдаги 57-сонли буйруғи.*

*2005 йил 10 мартда 1454-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).*

2. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда кредит уюшмалари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 1/7-сонли қарори (янги таҳрирда).*

*2005 йил 10 мартда 1455-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).*

3. «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлигининг 2005 йил 7 февралдаги 45-сонли буйруғи.*

*2005 йил 10 мартда 1383-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).*

4. «Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлигининг 2005 йил 7 февралдаги 46-сонли буйруғи.*

*2005 йил 10 мартда 1440-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).*

5. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 24, 2005-18-сонли қарори.*

*2005 йил 10 мартда 1325-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).*

6. «Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш

ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 31 январдаги 23, 2005-17-сонли қарори.*

**2005 йил 10 мартда 1107-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).**

7. «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ўртасида давлат унитар корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари, давлат улуши бўйича давлат бюджетига дивидендлар ҳисобланиши ва тушиши ҳақида маълумот алмашиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2005 йил 2 февралдаги 01/06-19/1, 30, 18-03-09/184, 4-сонли қарори.*

**2005 йил 10 мартда 1456-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 20 мартдан кучга киради).**

8. «Банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъерий ҳужжатларни бузганлик учун Марказий банк томонидан тижорат банкларига нисбатан қўлланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 74-2-сонли қарори.*

**2005 йил 18 мартда 622-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 мартдан кучга киради).**

9. «Капитал ҳаракати билан боғлиқ алоҳида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 29 январдаги 299-сон қарори.*

**2005 йил 18 мартда 1457-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 мартдан кучга киради).**

10. «Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташиқ иқтисодий алоқалар агентлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 5 мартдаги 17, НН-01/10-783, 225-В-1, 2005-27, 01-02/20-4-сонли қарори.*

**2005 йил 18 мартда 1183-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 мартдан кучга киради).**

11. «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сонли буйруғи.*

**2005 йил 18 мартда 1458-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 мартдан кучга киради).**

12. «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 18 январдаги 13, 2005-11-сонли қарори.*

**2005 йил 18 мартда 1110-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 28 мартдан кучга киради).**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида низом, 1,2,3,4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (23.01.2003 й., рўйхат рақами 1204; 03.07.2003 й., рўйхат рақами 1204-1; 14.01.2004 й., рўйхат рақами 1204-2; 02.04.2004 й., рўйхат рақами 1204-3; 26.05.2004 й., рўйхат рақами 1204-4).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 10 мартдаги 39-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

2. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган (08.04.1994 й., рўйхат рақами 40).*

*Адлия вазирининг 2005 йил 18 мартдаги 41-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўта хавфли теграларда бўлиш ва унда ишларни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транс-порти агентлиги бошлигининг буйруғи.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**